

Исломда қариндошлик алоқалари қандай?



15:00 / 04.02.2021 2946

Албатта, катта оила доирасидаги алоқалар эр-хотин, ота-она, бола-чақа орасидаги алоқа билан чегараланиб қолмай, балки қариндош-уруғлар билан қилинадиган алоқаларни ҳам ўз ичига олади. Исломда ушбу алоқага ҳам жуда катта аҳамият берилган.

Ислом адабиётида ва халқ орасидаги диний сўзлашувда ҳам «силаи раҳм» истилоҳи ишлатиб келинади. Аслида, бу «раҳм» сўзи биздаги «бачадон» сўзининг ўрнида ишлатилади. «Сила» сўзи эса «боғлаш», «улаш» маъноларини англатади.

«Силаи раҳм» бирикмаси «бачадондошлик алоқасини боғлаш» деган маънони билдиради. Бунинг ўрнига бизда «қариндошлик алоқаси» истилоҳи ишлатилади. Қариндошлар кимлар экани ҳаммага маълум.

Имкони бор, ўзига тўқ кишида ночор, ёрдамга муҳтож қариндошларнинг ҳаққи бор. Бу ҳақ уларга Аллоҳ томонидан берилган. Бой-бадавлат киши ўз қариндошларига ёрдам берганида миннат ёки фазлини кўрсатиш учун эмас, балки Аллоҳнинг амрини адо этиш, Аллоҳ белгилаган ҳақни бериш учун иш қилган бўлади. Шунингдек, ночор қариндош ўзининг бой-бадавлат қариндошидан бирор нарса олганда унинг олдида хору зор бўлиб эмас, Аллоҳ унга белгилаган ҳақни олаётганини тушуниб, ўзини эркин тутиб, олади.